

---

## ЭЪТИБОРДАН КЎНГИЛЛАР ШОД БЎЛМОҚДА

Муборак ой муносабати билан Қува туманида ташкил этилаётган ифторлик тадбирлари ҳамда йўқловлар давомида ёши улуг кексалар, имконияти чекланган, меҳрга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиб, кўнгилларга шодлик улашилмоқда.

Қува тумани Давлат солиқ инспекцияси раҳбари Авазхон Исмоилов муборак рамазон ойи муносабати билан меҳрга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олди.

Туман ДСИ раҳбари 4-сектор ҳудудидаги "Дўстлик" МФЙ Бобур кўчасида истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, Тўхтасинжон Қўнақовлар хонадонида бўлиб, оила аъзолари билан ифторлик қилди.

Ушбу оилага "Рамазон тухфаси" сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди. Эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўлган хонадон эгалари, тинч ва осойишта юртимизга шукрона айтиб, дуода бўлдилар.

2023-04-06 20:11:52